

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 9-aprel, chorshanba № 27 (15769)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси 2014 йил 10 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 9 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Navqiron avlod so'zi

БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ БЎЛГИМ КЕЛАР

Қарши шаҳрида туғилиб ўсдим. Она Ватанимнинг ҳар қарич тупроғи мен учун азиз ва мўътабар. Чунки бу заминда не-не улуг зотлар, илму тафаккури билан жаҳонни лол қолдирган алломалар, оқил ҳукмдору забардаст саркардалар ўтган. Кундан-кунга чирой очиб, замонавий тусга кираётган шаҳримнинг обод манзилларини кезиб ҳар сафар қалбим шукроналикка тўлади. Нақадар жаннатмакон диёрда яшаймиз-а!

Билаги кучга тўлган йигитдек навқирон Ўзбекистон. Шундай ёш ва келажакка қараб илдамлаётган мамлакатнинг кўҳна тарихи, бой маданияти ва бебаҳо маънавий мероси борлигидан хайратда қоласан, киши. Шукрки, истиқлол йилларида ўзлигимиз, миллий қадриятларни тиклашга имкон яратилди. Асосийси, бугун биз, ёшлар қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбияланяпмиз. Буни мен ҳам Ўзбекистон фарзанди, ҳам ёшлар етакчиси сифатида чуқур англаган ҳолда айтяпман. Айни пайтда университетда таълим олиш билан бирга, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида иштирок этапман. Ҳаракат мамлакатимизда жуда кўплаб ёшларни эзгу мақсад йўлида бирлаштириб келяпти. Бу — буюк аجدодларига муносиб, юрт қорига ярайдиган, баркамол фарзандларни вояга етказиш, уларнинг билим ва иқтидори, куч ва салоҳиятини Ватан равнақи йўлида сафарбар этиш мақсадидир!

Ҳар сафар «Камолот» фаоллари билан бирор лойиҳани ташкил этаётганда Ватаним учун оз бўлса-да ҳиссамни қўша олаётганимни англаб, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Биргалашиб тенгдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий билимдонлигини ошириш мақсадида ташкилотлар билан ҳамкорликда «Тафаккур синовлари», «Ёш

сиёсатчилар» кўрик-танловлари, турли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказамиз. Ўтган йили вилоятимиз микёсида бўлиб ўтган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали доирасида «Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси» номинациясида голиб деб топилдим. Ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти асосларини мустақамлашга ҳаракат қилаётган бугунги Ўзбекистон учун юқоридаги каби танловларда кашф этилаётган кучли тафаккур эгаларию сиёсат ва ҳуқуқ билимдонлари нақадар зарур экани ўз-ўзидан аён.

Аслида бундай иқтидор ва заковат бизга ота-боболаримиздан мерос. Биргина Амир Темурнинг тарихий шахсида кучли сиёсатчи, оқил ва адолатли давлат раҳбари тимсолини кўрмаймизми? «Темур тузуклари»ни ўқиб, бу инсон нафақат қудратли салтанат ҳукмдори, чинакам донишманд эканига қайта-қайта амин бўламан. Ҳа, биз ана шундай буюк инсонларнинг авлодларимиз. Шу боис тинчлик-омонликда ўтган ҳар бир кунимизни ғанимат деб билиб, юртимиз келажаги учун меҳнат қилиш барчамизга ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Отабек ГАНИЕВ,
«Камолот» ЁИХ Қарши давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси

9-aprel — Sohibqiron Amir Temur tavallud topgan kun



Рустам Назарматов олган суратлар

СОҲИБҚИРОН АБАДИЯТИ

*Мардлик азал-абад ривоятдадир,
Халқ, миллат тимсоли — матонатдадир.
Жаҳон гарчи доим адоватдадир,
Минг йилким зўр сўздин хижолатдадир:
Куч адолатдадир, адолатдадир.*

*Буюк Соҳибқирон демишлар шундоқ.
Оламга бўйлашмоқ шарафи қандоқ,
Агарчи разолат тинч турмас, бироқ
Бани башар насли ҳимоятдадир:
Куч адолатдадир, адолатдадир.*

*Асрлар кифтига ортиб армонлар
Кетдилар қумларга сингиб карвонлар.
Ўтмиш қанча хонлар, шоҳу султонлар,
Номлари на фол, на ривоятдадир,
Куч адолатдадир, адолатдадир.*

*Эй, шаъну шавқатин тан олган дунё,
Бир томони ғаму бир ёни ғавғо,
Сенга айтганди-ку Темурхон бобо:
Ободлик тинчлигу тижоратдадир,
Куч адолатдадир, адолатдадир.*

*Токи айланаркан чархи гардунлар
Бордир мамлакатни тутган устунлар.
Устувор тартиблар, метин қонунлар
Шу қудрат қошида итоатдадир,
Куч адолатдадир, адолатдадир.*

*Аждодлар гурури жон ила танда,
Ҳар дилбанд ниҳолдай ўсган Ватанда,
Шу боғу бўстонда, кўркам чаманда,
Фарзандлар фахр ила садоқатдадир,
Куч адолатдадир, адолатдадир.*

*Юртим, қўрғонларинг, гулзорингга боқ,
Тикланган номусинг ҳам орингга боқ,
Заҳматкаш шу халқинг, Меъморингга боқ,
Қаддинг юксалган ҳар иморатдадир,
Куч адолатдадир, адолатдадир.*

*Нимадир аслида юртга сарварлик —
Меҳрпарварликдир, миллатпарварлик.
Ҳар зарра тупроғи зарлик, гавҳарлик
Бул Ватан тоабод саодатдадир,
Куч адолатдадир, адолатдадир.*

Сироҷиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

«Kamolot» loyihalari



ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИГА

СТАРТ БЕРИЛДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан пойтахтимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигида ташкил этилган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шоири остида ёшлар фестивали бошланди.

Фестиваль доирасида ўн тўртта тарғибот лойиҳаси амалга оширилди. Тадбирлар давомида депутатлар, маданият ва санъат арбоблари, ёш олимлар, эстрада хонандалари, машҳур спортчилар иштирок этиб, ёшлар билан дийдорлашдилар. Давра суҳбатлари, тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси, китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган лойиҳалар ташкил этилди. Пойтахтимизда старт берилган ёшлар фестивали йил давомида республикамизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтади.

«Сиз севган қаҳрамонлар», «Биз соғлом турмуш тарафдо-

римиз», «Виждонли сотувчи» акцияси, «Замонамиз қаҳрамонлари», «Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси», «Ҳеч ким меҳр, эътибордан четда қолмасин», «Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти», «Депутат ва ёшлар», «Президент асарлари билимдони» каби лойиҳаларда пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари талабалари, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг минглаб ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этдилар.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги акаде-

мик лицейда бўлиб ўтган «Сиз севган қаҳрамонлар» лойиҳаси доирасида эстрада хонандалари иштирокидаги ижодий учрашувда лицей ўқувчилари, «Камолот» ЁИХ Ҳамза тумани кенгаши фаоллари қатнашди. Ёшлар «Шод» гуруҳи аъзолари ҳамда эстрада хонандаси Лола Йўлдошева билан мулоқотда бўлдилар. Ижодкорлар ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Энг қизиқарли савол берган ўқувчилар хонандаларнинг дастхати туширилган китоблар билан тақдирландилар.

Бугун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида фестивал доирасида ўтказилган тарғибот лойиҳаларида фаол иштирок этган «Камолот» фаолларини тантанали тақдирлаш маросими ва эстрада хонандалари иштирокида гала концерт бўлиб ўтади.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» муҳбири

■ *Muhammad Yusuf tavalludining 60 yilligi oldidan* ■

АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

Айни кунларда жойларда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан шоир ижодига бағишланган учрашувлар, адабий-бадиий кечалар ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Чирчиқ шаҳридаги «Максам-Чирчиқ» очик акциядорлик жамиятининг маданият саройида бўлиб ўтди. Унда шоирнинг яқинлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, таниқли адиб ва олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Муҳаммад Юсуфнинг турмуш ўртоғи, шоира Назира Саломова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари ҳамда эзгу фазилатларни камол топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Муҳаммад Юсуфнинг истиқлол ва ватанпарварлик руҳида битилган, садоқат, инсонийлик каби улуг фазилатларга йўғрилган

шеърлари халқчил, содда ва самимийлиги билан барчанинг кўнглидан чуқур жой олган, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир.

Тадбир доирасида Тошкент вилоятидан 31 нафар ёш ижодкорнинг шеърлари, ҳикоя ва эртақлари ўрин олган «Ёшлик баҳорининг бойчечаклари» номли тўпلام тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Шунингдек, севимли шоир ва ёзувчиларимизнинг сара китоблари, Чирчиқ шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказининг «Ёш рассом» тўғраги аъзолари ва 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан яратилган санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Шоирнинг ижодидан намуналар ўқилди, санъаткорлар Муҳаммад Юсуф шеърлари билан айтиладиган кўшиқлардан ижро этишди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими А.Усмонов сўзга чиқди.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА муҳбири

■ *Narokat ko'zgusi* ■

ҲАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

Тошкент шаҳридаги 162-мактабда «Соғлигимда силни тўхтатаман» шоири остида ёшлар анжумани бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларни ягона мақсадлар сари бирлаштириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, аҳоли орасида репродуктив саломатликни тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган анжуманда Чилонзор туманидаги таълим муассасаларидан 450 нафар «Камолот» ЁИХ аъзоси, ўсмир ёшдаги ўғил-қизлар ва тиббиёт ходимлари иштирок этди.

Тадбир ноанъанавий тарзда ўтказилиб, унда «Кувноқ пуфаклар», «Савол ва жавоб», «Тиббий маслаҳат», «Соғломжон-полвонжон» бекатлари ташкил этилди. Шунингдек, акция доирасида турли спорт мусобақалари, «Силнинг давоси бор» мавзуида асфальтга расм чизиш ва «Сил бедаво эмас» мавзуида деворий газеталар танловлари ўтказилиши тадбирнинг қизиқарли ўтишини таъминлади. Ёш тренерлар гуруҳи аъзолари акция иштирокчилари билан турли интеллектуал ўйинлар ва викторина ташкил этишди.

Анжуман якунида барча йўналишларда ғолиб бўлган иштирокчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

Қизилтепа туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактабида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳар йили ўтказиладиган, анъанавий «Сиз қонунни биласизми?» танловининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Унда тумanning олтига касб-хунар коллежи ўзининг иқтидорли ўқувчилари билан иштирок этди.

Ўқувчи-ёшлар танишув, савол-жавоб ва саҳна кўриниши шартлари бўйича ўзаро куч синашди. Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, Қизилтепа агроиқтисодий коллежининг «Юрида» жамоаси биринчи, агросервис касб-хунар коллежининг «Habeas corpus» жамоаси иккин-

чи, маиший хизмат кўрсатиш коллежининг «Соғлом авлод» жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ш.ИБРАГИМОВА

ЗУККО ВА БИЛИМДОНЛАР

«Камалак» билимдонлари танловининг ҳудудий босқичи Тўрткўл туманида бўлиб ўтди. Унда Тўрткўл туманидаги 18-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг «Нурли келажак», Беруний туманидаги 11-мактабнинг «Эверест», Амударё туманидаги 20-мактабнинг «Амударё», Эллиққалъа туманидаги 59-мактабнинг «Баркамол авлод» жамоалари иштирок этди.

— Танлов нафақат қизиқарли ўтди, шу билан бирга бу орқали ўзимизнинг билимимизни ҳам синовдан ўтказдик, — дейди

«Нурли келажак» жамоаси сардори Гўзал Рустамова.

Жамоалар тақдимот, саҳна кўриниши, савол-жавоб, ижтимо-

ий лойиҳа шартлари бўйича билимларини намоён этди. Танлов якунига кўра, Эллиққалъа туманидаги 59-мактабнинг «Баркамол авлод» жамоаси энг юқори балл тўплаб, биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин «Эверест», учинчи ўрин «Нурли келажак» ҳамда «Амударё» жамоаларига насиб этди.

Жасурбек РАИМОВ

ЯНГИЛАНИШ ПАЛЛАСИ

Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган дастурга кўра республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам «Камолот» уйларининг қурилиши бўйича амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

«Камолот» уйларини қуриш учун ҳар бир туман ва шаҳарда захира ерлардан уч гектардан кам бўлмаган майдонлар ажратилиб, жойларда лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Ўз навбатида Ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан тураржойларга талабгор ёш оилалар рўйхати шакллантирилмоқда. Ҳозирги кунда янги уйларга талабгор ёшлар 963 нафарни ташкил этмоқда. Жорий йилнинг охиригача фойдаланишга топширилиши режалаштирилган ҳар бир кўп қаватли уй 64 хонадонга мўлжаллаб барпо этилишини инобатга олсак, йил тугагунга қадар уларга талабгор ёшлар сони тўққиз минг нафардан ошади.

— «Камолот» уйларидан ташқари вилоятимизда уй-жойга муҳтож ёш оилалар ва чин етимлар учун ҳам намунавий уй-жойлар қуриляпти, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Бухоро вилоя-

ти ҳокими вазифасини бажарувчи Муҳиддин Эсонов. — Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналаридан бирига қарашли вақтинча фойдаланилмаётган тўрт қаватли ётоқхона биноси ҳам тез кунларда қайта таъмирланиб, уй-жойга муҳтож ёшларга топширилади. Бу бинонинг биринчи қаватида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилади. Бухороликлар учун яна бир хушхабарни ҳам айтиб ўтай. Яқинда шаҳар марказида янги — Абу Али ибн Сино номидаги маданият ва дам олиш маркази барпо этилади. Бу ерда махсус ёритгичлар асосида турли ранглар билан товланувчи мусиқали фаввора, ёзги кинозал ва бошқа шу сингари ёшларнинг истагини ўзида мужассам этган замонавий объектлар жойлашади.

Вилоятда таъмирланиши ва жиҳозланиши режалаштирилган ана шундай масканлар талайгина. Хусусан, Жондор

туманидаги маданият ва дам олиш марказининг том қисми тўлиқ таъмирланиб, ички қисмида таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Худди шу каби Олот туманидаги Чандир қишлоғида, Вобкент туманидаги «Роҳкент» маҳалласида, Қоровулбозор шаҳри марказида, Бухоро туманида ҳам маданият ва аҳоли дам олиш марказлари замонавий кўринишга келтирилмоқда.

Юқоридаги каби хайрли ишлар эвазига, бугунги кунда Бухоро мамлакатимизнинг гўзал гўшаларидан бири сифатида ўзгача чирой очиб бораётир. Шу ўринда вилоятнинг қишлоқ жойларида қуриляётган намунавий уй-жойлар тўғрисида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Жорий йилги дастурга мувофиқ, вилоятнинг 21 та массивида 839 та намунавий уй-жой қурилиши режалаштирилган. Уларнинг умумий қиймати 136,4 миллиард сўмга тенг. Шундан 34,1 миллиарди аҳолининг дастлабки бадали, 79,8 миллиарди имтиёзли ипотека кредитлари ва 22,5 миллиарди аҳолининг якуний бадали ҳисобига қопланади. Қурилиш ишларида тендерда ғолиб бўлган тўқсонта пудратчи ташкилот иштирок этмоқда. Намунавий уй-жойлар қуриляётган барча массивларда ички йўллар, коммуникация тармоқларини созлаш ва таъмирлаш ишла-



ри давом этяпти. Жорий йилда қишлоқларда барпо этилаётган янги уй-жойларда болалар ўйингоҳлари, гузар, кир ювиш хизматини кўрсатувчи шохобча, нон цехлари, бозор, савдо ва маиший хизмат мажмуалари ҳам барпо этилади. Бир сўз билан айтганда, Бухоро вилояти бўйича 107 та объектда қайта қуриш, реконструкция, капитал таъмирлаш ҳамда болалар спорти ва соғлиқни сақлаш объектларини қуриш режалаштирилган

бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари учун жами 79134 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ҳаракатда — баракат, дейишади. Амалдаги ишларнинг бари юрт чиройини очишга, ёшлар ва аҳоли талаб-эhtiёжини қондиришга, юртни обод ва халқни фаровон қилишга қаратилган экан, истиқболимиз порлоқ бўлишига шубҳа йўқ.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

ШУНҚОР ЙИГИТЛАР БЕЛЛАШУВИ

Самарқанд вилоятида «Шунқорлар» ҳарбий ватанпарварлик мусобақасининг шаҳар ва туман босқичлари ўтказилмоқда.

Мазкур ҳарбий ватанпарварлик мусобақасининг Пастдарғом туман босқичи Самарқанд ҳарбий спорт мактабида намунавий тарзда ташкил этилди.

— Мусобақани ташкил этишдан мақсад, чақирикча ўқувчи-ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларида ҳарбий хизматни ўташ, ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун жисмонан ва

руҳан тайёрлаш, ўқувчилар ўртасида Ватанга муҳаббат, ҳарбий ватанпарварлик ғояларини тарғиб қилишдан иборат, — дейди «Камолот» ЁИХ Самарқанд вилояти кенгаши бўлим мудир Азиз Урунов. — Аҳамиятлиси, мусобақа спорт беллашувларидан ташқари, ёшларнинг ҳарбий бурч ҳамда ҳарбий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билимларини оширишга қаратилган шартлардан ҳам

иборат. Шунингдек, мусобақа жараёнида ўқувчилар Қуролли Кучлар ички тартиб-қоидалари асосида аскарлар ётоқхонаси, жанговар техника, ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуши, ҳарбий хизматнинг шарт-шароитлари билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Мусобақа шартларига кўра иштирокчилар мерганлик, автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш, узоқ масофага югуртиш, турникда тортилиш, граната улоқтириш, тўсиқлар йўлагидан ўтиш каби шартлар бўйича беллашиш орқали таъ-

Harbiy vatanparvarlik

лим муассасасида чақирикча ҳарбий тайёргарлик юзасидан олган билимларини амалиётда синаб кўрдилар.

Ижтимоий-сиёсий билимлар танловида эса мусобақа иштирокчилари Ватанимиз тарихи, ҳарбий соҳадаги қонунлар юзасидан ўз билимларини намойиш этиб, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари асосида тайёрланган тест саволларига ҳам жавоб бердилар.

Ғолибликни қўлга киритган ҳамда мусобақаларда фаол иштирок этган ёшлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» мухбири

ЮРТНИНГ ҚАЛҚОНЛАРИ

Ҳарбий кийимни кийишни орзу қилмаган йигит бўлмаса керак. Қизлар ҳам бу ниятдан холи эмас. Ватанга хизмат қилишни ўзининг олий бурчи деб билган ҳар бир ўғил қиз ана шундай орзу-ҳавас билан яшайди ва ниятига, албатта, етади.

Ақдемик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Ёш чегарачилар» ҳарбий ватанпарварлик мусобақаси ҳам ана шундай юрагида ўти бор ёшлар учун мактаб вазифасини ўташи билан бирга уларнинг орзулари рўёбга чиқишига ёрдам беради.

Сурхондарё вилоятида ҳам «Ёш чегарачилар» ҳарбий ватанпарварлик мусобақаси бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада бўлажак чегарачилар барча шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратларини ишга солишди. Иштирокчилар орасида қизларнинг ҳам борлиги кўпчиликни қувонтирди.

«Ёш чегарачилар» ҳарбий ватанпарварлик мусобақаси вилоят босқичи натижасига кўра, 78 балли қўлга киритган Термиз тумани Янгиариқ қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг «Бургут» жамоаси 1-ўринни, 66 балл тўплаган Музработ иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг «Қоплон» жамоаси 2-ўринни ҳамда 54 балл тўплаган Жарқўрғон транспорт ва алоқа касб-хунар коллежининг «Сарҳад» жамоаси 3-ўринни қўлга киритди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

БЎЛАЖАК ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ

«Камолот» ЁИХ Зомин тумани кенгаши касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасини ўтказди. Унда саккизта касб-хунар коллежидан жамоалар қатнашди. Бўлажак Ватан ҳимоячилари — ўқувчиларни ватанга муҳаббат,

ҳарбий бурчга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган мусобақада ёшлар ўн еттита шарт асосида ўз куч ва билиминини намойиш этди.

Қизгин беллашувлар якунида Зомин маиший хизмат ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчилари биринчи ўринни эгаллади.

Иккинчи, учинчи ўринларга эса Тиббиёт коллежи, Зомин қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи жамоалари лойиқ деб топилди.

Ғолиб жамоалар танловнинг вилоят босқичида иштирок этади.

Акмал РАҲМАТУЛЛАЕВА

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ТАЛАБАЛАРНИНГ НАМУНАЛИ ТУРАРЖОЙЛАРИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Энг намунали талабалар тураржойи» танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтказилган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маънавият тарғиботчилари, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёшларнинг келажаги йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, айниқса, қизларнинг пухта билим ва тарбия, касб-хунар эгаллаши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш маса-

ласига доимий эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, ёшлар, хусусан, ўқувчи ва талаба-қизларнинг билим олишга доир шароитини янада яхшилаш, уларнинг бўш вақтини унумли ва оқилона ташкил этишга оид ишлар кўлами ортмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўқув масканларидаги «Ораста қизлар» тўғараклари фаолияти-

ни кенг йўлга қўйиш, ёшларнинг билимларни ўзлаштириши, давоматини яхшилаш, таълим-тарбияга оид ишлар самарадорлигини кучайтириш юзасидан бир қатор маърифий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ушбу жамоат ташкилотининг ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот марказининг масъул вакилларида иборат ишчи гуруҳи томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган талабалар тураржойлари ҳолати атрофлича ўрганилиб, таҳлил этилди. Айти пайтда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тизимли ва кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

«Энг намунали талабалар тураржойи» танловидан кўзланган асосий мақсад талабалар тураржойларида иж-

тимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг яшаш шароитини янада яхшилашдан иборатдир.

Танлов жараёнида тураржойларнинг саранжом-саришталиги, маънавий-ахлоқий тарбия ишларининг нечоғли тўғри йўлга қўйилгани, олий таълим даргоҳлари томонидан ушбу масканлар худудини ободонлаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларга асосий эътибор қаратилди. «Энг намунали талабалар тураржойи», «Энг намунали маънавият хонаси», «Энг намунали қизлар хонаси», «Энг намунали йигитлар хонаси» каби ўнга яқин номинациялар бўйича ғолибларнинг номлари эълон қилинди ва уларга қимматли совғалар топширилди.

— Университетимизга қарашли саккизта талабалар тураржойида ёшларга зарур барча шароит яратилган, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Одина Жамолддинова. — Жумладан, психологик хизмат маркази, маънавият хоналари, турли ижодий тўғараклар уларнинг ихтиёрида. Ушбу танловда университетимиз талабалар тураржойи «Энг намунали қизлар хонаси» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Бу мазкур йўналишдаги ишларимизни янада яхшилашга ундайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонава сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

МИЛЛАТ КЎЗГҮСИ

Қадрият миллатнинг тарихи

ҳамда маданий ҳаёт тажрибаси нечоғли юксаклигини ифода қилади. У ҳар бир халқнинг кўп минг йиллик ҳаёти давомида шаклланади ва эл-улуснинг азалий удумлари, урф-одатлари, анъаналари ва миллий тамойилларини ўзида акс эттиради.

«Қадрият» атамаси «қадр» сўзидан олинган бўлиб, борлиқ ва жамиятдаги бирор нарса ёки ҳодисанинг кишилар ўртасидаги аҳамиятини ифода қилади.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизнинг демократик жамият қуришдаги ўрнини юксалтириш борасида кўплаб илмий изланишлар ва амалий саъй-ҳаракатлар қилинди. Чунки ҳеч бир жамият инсонлар онгидаги маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб, келажагини тўла тасаввур эта олмайди.

Қадрият мавзуси кўҳна Шарқ, унинг таркибий қисми бўлган Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон мутафаккирларини ҳам қизиқтириб келган. Кишилар қадим замонлардан оқ ўзларини ўраб турган атроф-муҳит, воқеа-ҳодисалар, одамлар ўртасидаги муноса-

батлар тўғрисида фикр юритганлар. Хоразмий, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Бухорий, Термизий, Яссавий, Улуғбек, Жомий, Навоий каби фузалоларнинг ижодида ҳам бу мавзу ўзига хос ўрин тутди.

Миллий қадриятларни тиклаш, уларга хавф солувчи ҳаракатларнинг олдини олишда барча ҳамжихат бўлиши давр талабидир. Бу борада Президентимиз Ислон Каримов: «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз», деб таъкидлаганлар.

Ислон дини бирор-бир давлат, миллат ёки муайян гуруҳларгагина мансуб эмас. Унинг ҳаётбахш таълимоти, аввало, бутун инсоният-

га хос бўлиб, инсонни азиз-муқаррам зот сифатида эъзозлайди. Динимизнинг муқаддас манбалари бўлмиш Қуръони карим ва ҳадисларда бунга далиллар кўп. «Дарҳақиқат, Биз одам болаларини азиз-муқаррам ва уларни қуруқлик ва денгизда юрадиган қилиб қўйдик ҳамда ҳалол-пок нарсалардан ризку рўз бердик. Уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал — устун қилиб қўйдик» (Исро, 70) дейилган.

Мазкур оятда инсоннинг қадр-қиммати нақадар юқори экани, ҳар бир шахснинг ҳақ-ҳуқуқларни Аллоҳ дахлсиз қилиб белгилагани ва кафолатлагани таъкидланади. Бу эса, бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган демократик давлат ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дамил бораётган халқимизнинг хоҳиш-иродасига ҳамда умумэтироф этилган қадриятларга жуда мос келади.

Қуйида миллий-маънавий қадриятларимизнинг асосийлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Она юртга эҳтиром. Ватан остонадан, инсоннинг киндик қони тўкилган макондан бош-

ланади. Инсон туғилиб ўсган уйи, маҳалласи, қишлоғи, яқинлари Ватан деган тушунчада муҳасам. Унга муҳаббат эса, аввало, ота-она, ака-ука, ёру биродарларга ҳурмат-эҳтиромда намоён бўлади. Улғайиб, вояга етган заминга меҳрли бўлиш, унинг ҳар бир қаричерини муқаддас билиш, тупроғини кўзга тўтиё қилиш, бир умр унга садоқатли бўлиш ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) билан Мадинаи мунавварага кетаётганларида Маккаи муқаррама томонга қараб: «Агар қавмимени Маккадан қиқиб кетишга мажбур қилмаганида, ҳечам ўз ихтиёрим билан уни ташлаб кетмаган бўлар эдим», деганлар. Демак, Ватанни севиш, уни ардоқлаб, соғиниб яшаш инсон фитратида бўлган юксак ҳис-туйғудир.

Аждодлар хотираси. Инсон зотига, унинг муқаддас ёдию умри давомида бажарган эзгу амалларига бўлган чексиз эҳтиром рамзидир. Зеро, ўтганларни эслаш, қабрларини зиёрат қилиш ва ҳақларига

дуо қилиш инсоний бурчимиздир. Бу борада Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай марҳамат қилганлар: «Дунёдан ўтганларнинг яхши сифатларини эсланглар, уларнинг ёмон сифатларини айтишдан сақланглар» (Имом Термизий ривояти).

Катталарга ҳурмат, ёшларга иззат. Кексаларга ҳурмат халқимизнинг азалий ибратли қадриятларидан ҳисобланади. Ҳукуматимиз истиклол йилларида қарияларни улуғлаш борасида бир қанча хайрли ишларни амалга оширди. Жумладан, 2002 йил мамлакатимизда «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниб, ёши улуг кишиларга ҳурмат ва эътибор янада кучайтирилди. 9 май куни юртимизда «Хотира ва қадрлаш куни» деб белгиланди. Ушбу байрам шарофати билан ҳар йили нуруний отахону онахонларимиз халқимиз эъзозидан бўлиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Қарияларни эъзозлашга динимизда алоҳида эътибор берилган.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифда: «Ёш йигит кекса кишини ёши улуглиги учун ҳурмат қилса, Аллоҳ таоло уни ҳам кексайганида ҳурмат қилинадиган инсонлар қаторига қўшади», дейилган.

Яхши, самимий муомала. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Набийдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилади: «Мўмин (одамлар билан) эл бўладиган кишидир. Киришиб кета олмайдиган ва эл бўлмайдиган одамда яхшилик йўқ» (Имом Аҳмад ривояти). Ён-атрофдагилар билан самимий муомалада бўлиш, ҳар ишда муроса йўлини тутиш мусулмон кишининг фазилати. Аллоҳ таолодан доим яхшилик тилаш, қалбни пок сақлаб, одамлар ҳақида яхши гумонда бўлиш туфайли инсон феъл-атвори кенг, ўзи хотиржам яшайди. Бундай сифатларга эга инсон камтар, хушмуомала ва ақлли бўлади. У ҳамма билан тил топишиб кета олади.

Ҳаё, андиша, ва сабртоқат. Ҳаё — кишининг имон-эътиқоди, одоб-ахлоқининг даражасига мутаносиб бўлади. Кишининг бирор ўринсиз сўз айтиб ёки бирор нолайиқ иш қилиб қўйиб, хижолатдан юзи қизарганини кўрсангиз, билингки, у ҳаёли инсондир.

Айтмоқчимизки, бугунги кунда миллий қадриятларимиз чиройли хулқимиз, яхши одобимиз, билимларимиз билан асраб-авайлашга ўз ҳиссамизни қўшайлик.

**Мадина ТУЛЕПОВА,
Тошкент Ислон университети талабаси**

■ Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari ■

ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ САМАРАСИ



«Ҳар бир инсон сузишни билиши керак ва буни қанчалик тез ўрганса, шунча яхши бўлади. Сен ҳам, албатта, спорт билан шуғулланишиңг лозим», дер эди Нўрмон ака набираси Хуршидага. Унинг ўзида эса сув спорти билан шуғулланишга иштиёқ йўқ эди. Аммо вақт ўтиши билан ўн ёшли қизалоқ фикрини ўзгартириб, бобосининг маслаҳатига амал қилишга қарор қилди.

Хурсанд бўлган Нўрмон ака Хуршидани пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 23-ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб борди.

Сув спорти, хусусан, сузиш билан астойдил шуғулланишни

ўз олдига мақсад қилган Х.Ҳакимова мактабдан қайтиб, уй вазибаларини тайёрлагач, машғулотга ошиқарди.

Машғулотларда яхши натижалар кўрсатган Хуршида турли мусобақаларда фаол иштирок этиб, дастлабки ютуқлар-

ни кўлга кирита бошлади. Унинг интилиши ва меҳнатсеварлигини пайкаган устозлари ўзини синхрон сузишда синаб кўришни таклиф этди. Хуршида мазкур спорт тури билан шуғулланиш ёшидан ўтган бўлса-да, муррабий Алина Пионтовская

унинг нозик ва енгил ҳаракат қилиши, сузишга бўлган қизиқишини инобатга олди.

Хуршида ўзига билдирилган бу ишончни оқлади. 2009 йилда синхрон сузиш бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида иккинчи ўринни эгаллаб, ўзининг илк катта муваффақиятига эришди. Кейин мамлакат чемпионатларида голиб бўлди.

2010 йилда синхрон сузиш бўйича Малайзияда ўтказилган II Осиё очик чемпионатида олтин ва кумуш медалга сазовор бўлди. Ўтган йиллар мобайнида турли мусобақаларда рақибларидан устун эканини исботлади.

Бугун Х.Ҳакимова Юнусобод туманидаги 122-умумтаълим мактабининг 9-синфида ўқимокда. Уч йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Унинг мақсадлари кўп. Энг катта орзуси Олимпиадада иштирок этиб, голиб бўлиш.

— Ота-она учун фарзандининг баркамол бўлиб вояга етаётганини кўришдан катта

бахт йўқ, — дейди онаси Саида Шукурова. — Биз уни ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз ва эришаётган натижалари билан фахрланамиз.

Халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Хуршида намунали хулқи, заковати, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги, истеъдоди, спортда эришган ютуқлари учун жорий йилда Президентимиз фармонида мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлди.

— Юртимиздаги ҳар бир қиз орзу қиладиган бундай юксак мукофотга муносиб кўрилганим — мен учун катта шараф ва ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлди, — дейди у. — Биз, ёшларга кўрсатаётган юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиздан миннатдорман. Бу мукофот менга улкан масъулият юклайди ва янги марралар сари ундайди.

**Ирина ДОЛЕНКО,
ЎЗА мухбири**

■ Президент stipendiatlari ■

БИРИНЧИ УСТОЗИМ — БОБОМ

Математикани Азизжон Қаҳҳоров болаликдан яхши кўрган. Бобоси мактабда физика фанидан дарс берарди. Рақам ва тенгламалар сирини биринчи бўлиб бобосидан ўрганди. 8-синфдан Когон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда таълим олди. Бу ерда ўқувчиларга аниқ фанлардан чуқур билим берилади.

Ҳойнаҳой, ҳозир бу йигит ё математик бўлган ёки физика-техника йўналишида ўқияпти, деб ўйлаётгандирсиз. Тахминда адашдингиз. Азизжон молия соҳасини танлади. Айни вақтда Тошкент молия институтида магистратура тахсилни тамомляпти. У корпоратив молия ва иқтисодий муносабатлар бўйича салкам тайёр мутахассис. Бундай кадрларга ҳаммаша ҳамма жойда талаб бўлади.

Корпоратив молия юртимиз учун нисбатан янги тизим бўлса-да, миллий иқтисодиётимиз ривожланишида долзарб аҳамият касб этади. Чунки корпоратив молия тузилмалари — акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялари ва бошқалар мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш, хусусан, рақобатни кучайтириш, янги молия манбаларини яратиш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, иш ўринларини яратишга хизмат қилади. Шу боис мустақиллик даврида мамлакатимизда уларнинг кенг фаолият юритиши учун қулай шароит яратилди. Бугунги

кунга келиб Ўзбекистон корпоратив муносабатларнинг ривожланганлиги бўйича Ҳамдўстлик давлатлари орасида етакчи ўринни эгалламоқда.

— Шунга қарамай, бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар бор, — дейди Азиз Қаҳҳоров. — Улардан бири корпоратив молия тузилмаларининг фонд бозорларидаги фаолияти билан боғлиқ. Нега бу масала муҳим? Чунки фонд бозорларида сотилувчи қимматли қоғозлар мамлакат молиявий ресурсларининг асосий манбаи ҳисобланади. Қолаверса, корхона ёки компаниялар акция ва облигацияларининг фонд бозоридаги муомаласи аҳоли бўш маблағларини жалб этиш ҳамда реал даромадларини оширишга ёрдам беради. Қимматли қоғозларнинг хорижий фонд биржаларида сотилиши эса мамлакатимизга чет эл инвестицияларини киритиш имконини беради. Бироқ мазкур жараён том маънода самарали бўлиши учун қимматли қоғоз-

ларнинг нархи бозор механизмлари асосида шаклланиши керак. Магистрлик диссертацияси доирасида мен «Корпоратив қимматли қоғозлар нархи шаклланишининг бозор механизмларини такомиллаштириш» мавзуйда тадқиқот олиб боряпман. Илмий раҳбарим иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Умар Бурҳонов билан бирга бу борада юртимиздаги вазиятни таҳлил этиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқяпмиз.


— Қимматли қоғозларнинг нархи реал талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланиши керак, — давом этади қаҳрамонимиз. — Баҳолаш мезонларига уларнинг эркин муомалада бўлиши ҳам таъсир кўрсатади. Буларнинг бари бозор механизмларидир. Фонд бозорида талаб ва таклиф тез ўзгаради, компания қимматли қоғозларининг қиймати бир сония ичида кескин ошиши ёки пасайиши мумкин. Бу турли омиллар натижасида рўй беради, албатта. Масалан, компаниянинг умумий нуфузи, ишлаб чиқараётган

маҳсулотлари ёки кўрсатаётган хизматларининг сифати, ҳажми ва ҳатто, кутилмаганда шу компания ҳақида тарқалган нохуш хабар, мишмиш қимматли қоғозлар нархи таъсир кўрсатиши мумкин. Республикаимизда корпоратив қимматли қоғозларнинг тизимли савдоси Тошкент фонд биржасида амалга оширилади. Амалдаги ҳолат биржада сотилаётган қимматли қоғозларни баҳолаш стандартларини такомиллаштиришни тақозо этади. Илмий излашлар давомида ишлаб чиқилган таклифларимдан бири шундан иборат. Бу бўйича Англия, Ирландия, Франция, Германия, Япония, Эрон давлатларининг тажрибасини ўрганипман.

Тенгдошимиз мураккаб вазифалардан қочмайди. Ҳар қандай ишда танқидий ёндашувга эга. Шунингдек, ўзига нисбатан ўта талабчан ва қаттиққўлдир. Табиатидаги бу хусусиятлар илмий фаолиятида жуда асқотмоқда.

Жорий ўқув йилида Азиз Қаҳҳоров Президент стипендиясига сазовор бўлди. Бу илмий иқтидор, салоҳияти ва изланувчанлиги баерилган муносиб баҳоюди. Бундай эътирофни у ўзи учун катта масъулият деб қабул қилади.

— Демак, янги марралар сари интилиб, кўпроқ ўқиб, изланишим керак, —



дейди у. — Ўзбекистонини дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторида кўришни истайман. Бугун юртимизда ёшларга катта талаблар қўйилапти. Илк кўрсаткичлар ҳам шунга яраша-да. Пухта таълим олиб, янги билимларни ва албатта, хорижий тилларни ўрганишимиз, дунё билан бемалол рақобатлаша оладиган кучли мутахассис бўлишимиз керак. Бундай талабга муносиб бўлиб, ўзимга билдирилган ишончни доимо оқлашга ҳаракат қиламан. Инглиз тилида эркин сўзлашаман. Энди немис тилини ўрганмоқчиман.

Келгусида илмий фаолиятни амалиёт билан уйғунликда олиб борсам, дейман. Бизнинг соҳамизда бу, айниқса, зарур. Тараққиётнинг миллий модели асосида ривожланиб, иқтисодий ўсиш суръатларига эришаётган мамлакатимиз фақат битта кучга таянади. У ҳам бўлса — билимли ёшлар. Демак, Президентимиз таъкидлаганидек, марра бизники, келажак бизникидир!

**Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири
Рустам Назарматов
олган сурат.**

■ Sening tengdoshing ■

■ Ijtimoiy hamkorlik ■

«ЖАҲОН САҲНАЛАРИДА КУЙЛАШНИ ИСТАЙМАН!..»

Юртимизда «Ниҳол», «Ягонасан, муқаддас Ватан!» каби республика кўрик-танловлари орқали миллий эстрада санъатимизда ўз овози ва йўналишига эга бўлган умидли ёш ижодкорлар кашф этилмоқда. Ана шундай истеъдод эгаларидан бири Исқандар Бахтиёрвдир.

Уларнинг оиласида ҳеч ким санъаткор эмасди. Бироқ неварасининг санъатга бўлган қизиқишини вақтида пайкаган бувиси Муҳайё ая Йўлдошева тенгдошимизни тўққиз ёшида пойтахтимиздаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабига етаклаб борди. Исқандар у ерда илк мусиқий таълимни олди. Етти йил фортепиано бўйича таҳсил олди, мактабни аъло баҳоларга тугатди. Болалигидан устоз ҳофизларнинг кўшиқларини тинглаб катта бўлган ёш санъаткор мактабдан кейинги таълимни В.А.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг эстрада хонандалиги бўлимида давом эттирди.

Исқандар «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимида ўтказилган Тошкент шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллаб, I да-



ражали диплом билан тақдирланган.

У фортепианодан ташқари, дутор ва доирани ҳам маромига етказиб чалади. Ватан, истиқлол, она, ёшлик каби мавзуларда куйлаган кўшиқларини тингловчилар илиқ кутиб олмақда. Айниқса, Пўлат Мўмин шеъри, бастакор Алишер Расулов мусиқаси билан ижро этилган «Ўзбекмиз» ҳамда «Кўзлар» номли дилтортар

кўшиқлар тингловчиларга маъқул бўлди.

Ёш хонанда инглиз, рус, ҳинд тилларида ҳам кўшиқ куйламоқда. Тенгдошимизнинг орзуси миллий эстрада йўналишидаги кўшиқлари орқали дунё сахналарини забт этиш. Бу йўлда унга ижодий парвозлар тилаймиз.

**Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири**

■ San'at ■

МАДАНИЯТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Ўзбекистон Бадий академияси Халқаро маданият карвонсаройида Корея тасвирий санъат уюшмаси аъзоларининг кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма «Ижоднинг саккиз йили ва рамзи» деб номланиб, унда Корея тасвирий санъат уюшмаси аъзоларининг уч юздан ортиқ ишлари қўйилди.

Санъат ихлосмандларига намойиш этилган асарларнинг мавзуси хилма-хил бўлиб, уларда Корея табиатининг ҳаққоний кўринишлари, натюрмортлар, Осиёнинг ҳайвонот дунёси тасвири, ёрқин ранглар жилосига тўйинган композициялар акс эттирилган. Корея расмлари ижодининг энг гўзал

қирраларини ўзида намоён этган, атрофимизни ўраб турган ва доимо ўзгариб турувчи дунё турли мавзуларда ифода этилган бундай санъат асарлари барча меҳмонларнинг эътирофига сазовор бўлди. Бундан ташқари, кўргазмада Ўзбекистон расмларининг асарлари ҳам ҳавола этилди.

Тадбир давомида корейлик ижодкорлардан бири корейс миллий рақсини намойиш этиб, барчани хушнуд этди. Шунингдек, тадбир якунида икки халқнинг расмлари биргаликда эсдалик учун дилларидаги эзгу ниятларини қоғозга туширишди.

Санъат чегара билмайди, шу боис ҳам ўзбек ва корейс расмларининг дунёқараши, урф одатлари, қолаверса, ижод услублари иккала халқни янада яқинлаштиради.

**Нигина МАМАТҚУЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси**

■ Sog'lom turmush tarzi ■

ОИЛА ҚУРИШ ОСТОНАСИДА

«Соғлом бола йили» муносабати билан Қашқадарё вилоятидаги бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб кўнлаб хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Вилоят ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, чекка ҳудудларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар ва қизларни жойларнинг ўзида тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга кўмаклашиш йўлида «Камолот» ЕИХ вилоят кенгаши, репродуктив саломатлик маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод

учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар шулар жумласидандир. Касби туманидаги «Майманок», «Пандирон», Нишон туманидаги «Балхияк», «Қирққулоч», Косон туманидаги «Уйрот», «Тошқўприк», Фузор туманидаги «Авғонбоғ», «Апарди» қишлоқ фуқаролар йиғинларида малакали тиббиёт ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, тиббий кўрик-

лар ташкил этилди. «Камолот»-чиларнинг ташаббуси билан таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда ёшлар иштирокида ташкил этилган давра суҳбатлари, тарғибот тадбирлари балоғат ёшига етган ўғил-қизларнинг тиббий, ҳуқуқий маданиятининг юксалишига ёрдам берапти. Айниқса, тадбирларда репродуктив саломатлик йўналишида мутахассислар билан ташкил этилган савол-жавоблар жуда қизғин ўтмоқда.

«Болам соғлом бўлсин, десангиз», «Соғлом оилани шакллантириш бўйича тавсиялар», «Бўлажак оналарга тавсиялар», «Ўсмирларнинг репродуктив саломатлиги» каби мавзулардаги буклет ва тарқатма материаллар оила қуриш ёшидаги йигит-қизлар учун айна муддао бўлмоқда.

**Гулсал ХОТАМОВА,
«Камолот» ЕИХ Қашқадарё
вилояти кенгаши қошидаги
«Ёш оила» маркази раҳбари**

Юртимизда тинчликни таъминлашда ички ишлар идораларининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Жумладан, ички ишлар вазирлиги тизимидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимлари ҳар бир маҳаллада фаолият олиб бормоқда.

ОСОЙИШТАЛИК — УЛУФ НЕЪМАТ

Тинчлик ва барқарорлик, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фақат ички ишлар идоралари ходимларининг иши эмаслиги, бунинг учун ҳар бир фуқаро ҳисса қўшиши зарурлигини англаб етаётган юрtdошларимиз профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик қилишмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан профилактика инспектори фаолиятини айро тасаввур этиб бўлмайди. Чунки улар маҳалладаги оилаларнинг турли муаммолари, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ва бошқа соҳаларда тушунтириш ишларини олиб бориш каби масалаларни биргаликда ҳал этиб келади. Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ҳам ҳамкорликда самарали тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ҳар бир маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар мавжуд. Улар профилактика инспектори билан биргаликда, аввало, ҳудудда рўйхатда турган нотинч оилалар ва назоратсиз болалар ўртасида тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб борадилар. Қолаверса, маҳалла фаоллари, корхона-ташкilot, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида жиноятчиликнинг олдини олиш, оила муқаддаслиги каби мавзуларда учрашувлар ўтказишади. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида республика миқёсида профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигида тарғибот-ташвиқот ишлари, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди. Мана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йил мобайнида республикамиздаги барча маҳаллаларда жиноят содир этилмади.

Маҳалладаги ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг ўрни катта. Ёшларни турли ёт гоғлар ва оқимлардан сақлаб

қолиш йўлида бир қанча самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ўқувчи», «Давомат», «Ўсмир» каби тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади.

Милиция таянч пунктларининг инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида улар атрофида спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари ҳамда махсус спорт заллари ташкил этилиб, ёшларнинг мунтазам равишда спорт билан шуғулланишларига шароит яратилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, маҳалла институтига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу аснода ҳудудларда милиция таянч пунктлари билан маҳалла фуқаролар йиғини ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бераётир, албатта. Бундан анча йиллар олдин оддий оилавий низолар ҳам судларда ҳал этиларди. Ҳозир улар маҳалланинг ўзида, яъни у ерда ташкил этилган яраштирув комиссияларида кўриб чиқилмоқда.

Ушбу ҳолатларнинг муҳокамасида профилактика инспекторлари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла фаоллари ҳамда кўпни кўрган нуроний отахону онахонлар иштирок этади. Айтиш жоизки, бундай амалиёт дунёнинг бошқа биронта мамлакатидеда учрамайди.

Озодликдан маҳрум этилиб, жазони ўтаб қайтган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида ҳам маҳалланинг алоҳида ўрни бор. Жорий йил бошидан буён мамлакатимизда муқаддам судланган шахсларнинг барчаси доимий иш билан таъминланди ва бу жараён давом эттирилмоқда.

**Улуғбек ТУЙМАОЕВ,
ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш
Бош бошқармаси
матбуот котиби,
подполковник**



ЕНГ ШИМАРИБ ИШЛАШДИ

Tashabbus

«Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Юртимизни обод қиламиз!» акциясида ўн минг нафардан зиёд ёшлар қатнашди. Мазкур лойиҳа вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Акцияга олий таълим муассасалари талабалари, корхона ва ташкилот-

ларда меҳнат қилаётган «Камолот»-чилар ҳамда маҳалла ёшлари фаол қўшилдилар. Ҳашар Урганч маркази — Хоразмий кўчасидан бошланиб, шаҳарнинг барча тураржой мавзеларида давом этди. Ёшлар дарахтлар оқлашиб, кўча ва йўлакларни тартибга келтиришди. Ободонлаштириш ишлари бир пайтнинг ўзида 35 та маҳаллада олиб борилди.

Акция давомида шаҳар бўйлаб 22 минг туп дарахт, қарийб 177 минг дона гул кўчати ўтқазилди, жами 330470 метр узунликдаги ирригация тармоқлари тозаланди.

Шахло САФАШЕВА,
«Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши матбуот хизмати етакчи мутахассиси

Yosh fermerlar — yurt tayanchi

МЕҲНАТ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАДИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида

фермерлик ҳаракати мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошланган эди. Шундан буён ўтган давр мобайнида соҳада жиддий ўзгаришлар юз берди, ютуқлар қўлга киритилди. Энг муҳими, суяғи меҳнатда қотган бободехқонларимиз шуурида ерга, мулкка нисбатан эгаллик ҳисси ортди.

Жасуржон Лутфиев Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ер билан тиллаша оладиган фермерлардан. Миришкор туманидаги у раҳбарлик қилаётган «Камалак» фермер хўжалиги фаолияти йиллар давомида кенгайиб борди. Янги иш ўринлари яратилди.

Мавжуд ер майдони 248 гектар бўлган фермер хўжалиги ерларининг 58 гектарыда ғалла, 50 гектарыда пахта етиштирилади, қолган ерлар чорва моллари экин учун мўлжалланган.

Тадбиркор фермер ўз хўжалигида балиқчиликни ҳам йўлга қўйган. Ўтган йиллар мобайнида олинган даромадлар мақсадли

сарфланмоқда. 14 та янги техника сотиб олинди.

Фермер хўжалигида 274 бош қорамол, 680 бош қўй-эчки боқилади.

— Йилига олти ярим тонна гўшт, юз тонна сут топширамиз, — дейди Миришкор туманидаги «Камалак» фермер хўжалиги раҳбари Жасуржон Лутфиев. — Хўжалигимиз тасарруфида нон цехи, гўзаллик салони, хўжалик моллари дўкони, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Йигирма саккиз нафар йигит-қизни иш билан таъминлаганмиз. Иш бошқарувчи Бунёд Усмонов, механизатор Фарҳод Қиличов, чорва молларини парваришlashда Жавлон Аҳмедов, сут соғувчилар Гулчеҳра Усмонова, Феруза Хай-

дарова самарали меҳнат қилишмоқда.

Тумандаги «Сафаров Хотам Ҳамроқулович» фермер хўжалиги ҳам илғор хўжаликлардан саналади. Умумий ер майдони 70 гектар бўлган ушбу фермер хўжалиги ерларининг 33 гектарыда ғалла, 37 гектарыда пахта етиштирилади.

Хўжаликда чорвага ҳам эътибор катта. У ерда 45 бош қорамол парваришланади. Йилига ўн беш тонна сут, уч тонна гўшт етиштирилади.

— Хўжалигимизда ўн олти нафар ишчи хизмат қилади, — дейди фермер хўжалиги раиси Ҳамроқул Сафаров. — Ҳосилдорликни юқори кўрсаткичга чиқаришда механизатор Шодиёр Сафаров, сувчи Қодир Чориев алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Бошқаларнинг меҳнатини ҳам қадрлаймиз.

Фермер келгусида тикувчилик цехини очишни режалаштирган.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» муҳбири

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Reklama o'rnida

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 8-10 июль кунлари Фарғона вилоятида «Вояга етмаганларни турли маънавий таҳдидлар ва информацион хуружлардан ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари» **мавзусида республика илмий-амалий конференцияси тақтил этилади.**

Конференция қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

1. Мамлакатимизда ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик-

нинг олидини олиш ҳамда уларни қонунга итоаткорлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари.

2. Глобаллашув даврида маънавий таҳдидлар.

3. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши.

4. Ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда маънавий-маърифий тарбия тизимининг роли.

Мақола ва тезисларнинг матни илмий, техник ва услубий жиҳатдан таҳрир қилинган бўлиши лозим. Катта илмий ходим-изланувчилар, мус-

тақил изланувчилар, иқтидорли талаба ва магистрантларнинг илмий мақолаларига илмий раҳбар (маслаҳатчи)нинг тақризи талаб этилади.

Барча талабаларга жавоб берувчи материаллар илмий тўпламга киритилади ва ташкилий қўмита томонидан бепул нашр этилади.

Конференцияга материаллар 2014 йил 10 июнга қадар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй ёки manaviyat@mail.uz электрон почтаси орқали қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон:
(8 371) 233 99 76.



Йиртқични тутдилар

Уганданинг ёввойи табиатни муҳофаза қилувчи ташкилоти ходимлари оғирлиги нақ бир тонна келадиган тимсоҳни тутди. Тахминларга кўра, йиртқич тўрт нафар балиқчини нобуд қилган.

Тимсоҳни тутиш учун махсус овчилар тўрт кун овора бўлишди. Жонивор Викториа кўлида қармоқсимон улкан металл илгакка илдириб қўйилган гўштни еганидан сўнг қўлга тушди. Уни бир неча киши юк машинасига ортиб, Мерчисон Фолс миллий боғига олиб кетишди.

Дор устида ярим соат

Францияда Дени Жосслен исми дорбоз Сена дарёси устида ўрнатилган 25 метр баландиқдаги дордан юриб ўтди.

Иккита қурилиш крани ўртасида боғланган дор узунлиги 150 метр. Дарё устидаги дордан иккинчи маротаба ўтаётган Жоссленинг экстремал томошасини кўришга минглаб томошабинлар ва сайёҳлар йиғилди. Шамол бўлишига қарамасдан, у кўзини боғлаб юрди, дор устида ётиб дам олди. У буларнинг барини ярим соат давомида хавфсизлик арқонисиз бажарди. Довжорак дорбоз рекордини расмийлаштириш ниятида.

«Айбланувчи» гўдак

Покистонда англашилмовчилик сабаб тўққиз ойлик бола судга қақирилди.

Унга қасддан одам ўлдиришга ҳаракат қилиш айби қўйилган эди. Маълум бўлишича, полиция ва газ таъминоти ташкилотининг ходимлари қарзларни ундириш бўйича рейд вақтида уларни бир оила тошбўрон қилган. Полициячининг сўзига қараганда, оила вакиллари орасида тўққиз ойлик Мусохон ҳам бўлган. Лаҳор шаҳар суди айбланувчини кўриб ҳайрон қолган. Аммо у бир неча кундан сўнг бўладиган асосий суд йигилишига келиши кераклиги ўқтирилди.

Бузоқнинг югургани...

Канаданинг Блекфалдс шаҳрида заргарлик дўконини талаган ўғри қочиб кета олмади.

25 ёшли Жесси Сеска заргарлик дўконини ўмаргач, кўчада турган машинада қочишга уринган. Бироқ машина ферма ёнида қорга ботиб қолган. Сўнгра Жесси тракторда кетишга ҳаракат қилган. Полиция ўғри изига тушди. Бу пайтда тракторнинг юк ортувчи механизми кўтарилиб қолгани сабаб, ағдарилиб кетган эди. Трактор бошқарувини тўлиқ билмаган Жесси Сеска ушларини ва тегишли жазога тортилди.

Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАНОВ тайёрлади

